Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOŞKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1995 йил 22 апрель, шанба • № 32 (10.708) • Эркин нархда сотилади

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДА ДАВЛАТ ВА ИЖТИМОИЙ ҚУРИЛИШ АКАДЕМИЯСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ҳокимият органлари, вазирликлар, идоралар, ҳокимликлар раҳбар кадрлар бўғини ва жамоатчилик вакилларининг сиёсий, маданий, маънавий ва профессионал тайёргарлигини ҳамда уларни қайта тайёрлашни тубдан яхшилаш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси давлат ва ижтимоий қурилиш истиқболларини асослашга доир илмий тадқиқотларни мувофиқлаштириш ва чуқурлаштириш зарурлиги ҳисобга олинган ҳолда:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Давлат ва ижтимоий қурилиш академияси ташкил этилсин.

2. Академия фаолиятининг асосий вазифа ва йўналишлари қуйидагича белгилансин:

— давлат, жамоат ва хўжалик тузилмалари ходимлари ҳамда раҳбарлари орасидан истеъдодли, ақл-заковатли тингловчиларни пухта танлаб олиш, уларнинг сиёсий, маънавий-ахлоқий ва профессионал савиясини ошириш, уларни республикада миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлиги асосига қурилган ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролар жамиятини барпо этишнинг эътиқодли тарафдорлари қилиб тарбиялаш;

— олий маълумотли ва олий ўқув юртини битирганидан сўнг камида икки йил ишлаган мутахассислар орасидан ҳар томонлама зукко, маънавий ва профессионал жиҳатдан етук бўлган ёшларни истиқболли ёш менежер ҳамда бошқарувчилар қилиб тарбиялаш учун қабул қилиш;

— раҳбар ходимлар ва мутахассисларни аттестациядан ўтказишнинг янги тизимини ишлаб чиқиш ва жорий қилишда иштирок этиш;

— профессионал раҳбар тайёрлашнинг замонавий усулларини қўллаган ҳолда раҳбарларни тайёрлаш ҳамда ижтимоий ва давлат қурилишининг барча бўғинлари учун раҳбарлар захираси умумдавлат банкини шакллантириш;

— тегишли мутахассисликлар бўйича докторантура ва аспирантура орқали юқори малакали кадрларни тайёрлаш;

— давлат ва ижтимоий қурилишни, иқтисодий тараққиётни, психология ва социологияни такомиллаштириш соҳасида илмий тадқиқотлар ўтказиш, шунингдек кадрлар сиёсатини такомиллаштириш юзасидан тавсияномалар ишлаб чиқиш;

— ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш муассасалари фаолияти бўйича концепциялар, дастурлар, лойиҳалар, тавсияномалар ва бошқа ҳужжатларни илмий экспертиза қилиш;

— раҳбар ходимларнинг малакасини ошириш ва уларни тайёрлаш соҳасида халқаро ҳамкорлик.

3. Академияга ўқув-тадқиқот жараёнини ташкил этиш учун қўшимча ишлаш ёки яккама-якка битим тузиш шартлари билан республика ва хорижий давлатлардаги йирик илмий марказларнинг таниқли олимларини жалб этиш ҳуқуқи берилсин.

4. Академиянинг моддий, техникавий ва ижтимоий базасини ривожлантириш, унинг фаолиятига республиканинг ва хорижий мамлакатларнинг етакчи олимлари ҳамда мутахассисларини жалб қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Давлат ва ижтимоий қурилиш академиясини ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблансин. Жамғарма даромадлари турли манбалар, жумладан, хориждаги жисмоний ва ҳуқуқий шахсларнинг ихтиёрий бадаллари, шунингдек хўжалик фаолияти ҳисобидан таркиб топади.

Вазирликлар, идоралар ва ҳокимликлар, хўжалик ҳисобидаги корхоналар, тадбиркорлик тузилмалари Ўзбекистонни сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан янада юксалтириш учун зарур бўлган янги тусдаги ходимларни тайёрлаш жараёнида муҳим ўрин тутиш лозим бўлган академиянинг моддий-техникавий базасини мустаҳкамлашга кўмаклашиши керак.

Академия ҳамда у барпо этадиган муассаса ва корхоналар дастлабки беш йил давомида ҳар қандай солиқдан озод қилинсин.

5. Академия Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сессияларининг материаллари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишларини, меъёрий ва йўриқнома ҳужжатларини, шунингдек вазирлик ва идораларнинг статистика тўпламларини олиши шарт бўлган муассасалар рўйхатига киритилсин.

6. Академияга ўзбек ва рус тилларида йилига тўрт марта чиқадиган ва ҳажми 6-7 босма табоқдан иборат бўлган «Жамият ва бошқарув» сиёсий-иқтисодий журналини, шунингдек даврий ва алоҳида мавзуларга оид нашрларни чиқаришга рухсат этилсин.

7. Республика бюджетидан давлат ҳокимияти ва бошқарув органларини сақлаб туриш учун алоҳида модда билан ажратиладиган маблағ, шунингдек илмий тадқиқотларни ўтказиш учун бюджетдан ажратиладиган маблағ академияни молиявий жиҳатдан таъминлаш манбаи деб белгилансин.

8. Давлат ва ижтимоий қурилиш академиясини барпо этишга доир ташкилий ва молиявий масалаларни ҳал қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков раислигида комиссия ташкил этилсин.

Комиссияга бир ҳафта ичида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мазкур Фармон ижросини таъминлашга доир қарори лойиҳасини тақдим этиш топширилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1995 йил 19 апрель.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

М. Ш. Шарифхўжаевни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва ижтимоий қурилиш академиясининг ректори этиб тайинлаш тўғрисида

Мурот Шарифхўжаевич Шарифхўжаев Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва ижтимоий қурилиш академиясининг ректори этиб тайинлансин ва шу муносабат билан у Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Истиқболни белгилаш ва статистика давлат қўмитасининг раиси вазифаларидан озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1995 йил 19 апрель

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

1941-1945 ЙИЛЛАРДАГИ УРУШ ҚАТНАШЧИЛАРИНИ ВА МАМЛАКАТ ИЧКАРИСИДА ИШЛАГАН МЕҲНАТКАШЛАРНИ ФАШИЗМ УСТИДАН ҚОЗОНИЛГАН ҒАЛАБАНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ БАЙРАМИ МУНОСАБАТИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

1941—1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 50 йиллигини нишонлаш юзасидан:

1. Фашизмга қарши фронтлардаги жанговар ҳаракатларда иштирок этган ҳарбий хизматчилар, ихтиёрий ёлланган шахслар, партизанлар, яширин иш олиб борган кишилар, уруш даврида Қуролли кучларда хизмат қилган ҳарбий хизматчилар ва ихтиёрий ёлланган шахслар, «1941—1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида Германия устидан қозонилган ғалаба учун», «Япония устидан қозонилган ғалаба учун» медаллари билан тақдирланган шахслар;

Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлган ва 1941 йил 22 июндан 1945 йил 9 майгача ўтган даврда халқ хўжалигида камида олти ой ишлаган, «1941—1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида «Шавкатли меҳнати учун» медали билан мукофотланган, «Қамалдаги Ленинградда яшаган кишига» нишони бўлган шахслар, Иккинчи жаҳон уруши даврида фашистлар ва уларнинг иттифоқчилари томонидан тузилган қамоқ лагерларида, гетто ва бошқа қамоқларида сақланган балоғатга етмаган собиқ тутқинлар «1941—1945 йиллардаги урушда фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 50 йиллиги» юбилей медали билан мукофотлансин.

2. Бир йўла бериладиган қуйидаги пул мукофотлари белгилансин:

уруш ногиронлари ва қатнашчиларига, шунингдек байналмилал жангчилардан бўлган ногиронларга — энг оз иш ҳақининг уч баравари миқдорида;

ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оилаларига — энг оз иш ҳақининг икки баравари миқдорида;

ушбу Фармоннинг 1-бандида кўрсатилган 1941—1945 йилларда мамлакат ичкарисида ишлаган меҳнаткашларга — энг оз иш ҳақининг икки баравари миқдорида.

3. Мазкур Фармонни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар республика бюджети маблағлари ҳисобидан қоплансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки, Ижтимоий таъминот вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ва Алоқа вазирлиги мукофотларни тўлаш тартибини бир ҳафта муддат ичида белгилаб қўйсинлар.

5. «1941—1945 йиллардаги урушда фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 50 йиллиги» юбилей медали ва пул мукофоти Ўзбекистон Республикаси Президенти номидан Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири, миллий хавфсизлик хизмати раиси, ички ишлар вазири, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятларнинг, шаҳар ва туманларнинг ҳокимлари томонидан маҳаллий ҳарбий бошқармаларнинг раиси, ички ишлар вазири, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятларнинг, шаҳар ва туманларнинг ҳокимлари томонидан маҳаллий ҳарбий бошқармаларнинг, уруш ва меҳнат фахрийлари кенгашларининг вакиллари иштирокида тантанали вазиятда топширилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1995 йил 20 апрель.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

1995 ЙИЛ 6 МАЙ, ШАНБА, ДАМ ОЛИШ КУНИНИ 8 МАЙ, ДУШАНБАГА КЎЧИРИШ ТЎҒРИСИДА

Меҳнаткашларнинг дам олишлари учун қулай шароит яратиш ва иш вақтидан унумли фойдаланиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1995 йил 6 май, шанба, дам олиш куни душанба — 8 майга кўчирилсин.

Тошкент шаҳри,
1995 йил 19 апрель

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ

Чирчиқ шаҳрининг 60 йиллиги олдидан

САНОҚЛИ КУНЛАР ҚОЛДИ

ЧИРЧИҚ байрам либосини киймоқда. Бугун унинг жамолига ўзгача ҳавас билан қарайсан, киши. Бу бежиз эмас. Шаҳар аҳли 30 апрель куни бўлиб ўтадиган катта тантаналарга муносиб ҳозирлик кўрмоқда. Қатор тураржойлар, корхоналар, ташкилотлар муассасалар бинолари таъмирланди. Худудлар, кўчалар, хиёбонларни орасталаш, йўлларни равонлаштириш ва бошқа ишлар ниҳоясига етмоқда. Байрам муносабати билан ташкил этиладиган савдо ярмаркалари, шаҳарнинг тарихи, бугуни, истиқболига оид уюштириладиган кўргазмалар жойлари белгиланди.

Тадбирларни рўёбга чиқаришда барча корхоналар, ташкилотлар фаол иштирок этишаётир. Айниқса, трансформатор заводи, «Чирчиққурилиш» трести, нон маҳсулотлари корхонаси, Чирчиқ гўшт акционерлик жамияти жамоалари бу тадбирга салмоқли ҳисса қўшмоқдалар.

Байрам дастурига мувофиқ катта томоша намойиш этиладиган Алишер Навоий номли майдон, бадиий дасталар концертлари учун мўлжалланган маданият саройларини ҳам безашга киришилди. Ҳозирги пайтда таниқли режиссёрлар, мутахассислар, Тошкент вилояти маданият ишлари бошқармаси ходимлари байрам кунлари бўладиган тадбирлар сценарийси асосида иш олиб бормоқдалар.

Байрамни ўтказувчи ташкилий қўмитанинг навбатдаги йиғилишида шаҳар ҳокими Д.Азизхўжаев ана шулар ҳақида гапирар экан, иштирокчилар эътиборини галдаги вазифаларга қаратди ва уларни байрам кунлари дастури билан таништирди.

Шодиёна эрта тонгданоқ Чирчиқ узра карнай-сурнай садолари янграши билан бошланади. Умумий сайилдан кейин соат 12.00 да Алишер Навоий номли майдонда таниқли санъаткорлар томоша кўрсатадилар. Айни пайтда белгиланган худудларда бадиий дасталар ўз дастурларини намойиш этадилар, дор ўйинлари бўлади. Тантанага кўп сонли меҳмонлар ҳам ташриф буюрадилар.

Ҳуллас, катта байрамга саноқли кунлар қолди. Шубҳа йўқки, чирчиқликлар бу муддат ичида ҳозирликни ниҳоясига етказадилар ва шонли санани муносиб кутиб оладилар.

Вилоят ҳокимлигида

ТАДБИРЛАР БЕЛГИЛАНДИ

ТИНЧЛИК, осойишталик, хотиржамлик бор жойда ислоҳотлар ишлайди, бунёдкорлик бўлади. Буни республикамизда, хусусан, вилоятимизда юз бераётган ўзгаришлар ҳам кўрсатиб турибди. Шундай экан, бундан буён ҳам жиноятчиликнинг олдини олиш, халқимиз осойишталигини таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш йўлидаги ишларни кучайтириш бош вазифа бўлиб қолади.

19 апрель куни вилоят ҳокимлигида вилоят ҳуқуқни муҳофаза этиш органларининг раҳбарлари, бўлим ва бошқарма бошлиқлари, уларнинг муовинлари иштирокида бўлиб ўтган йиғилишда ана шу масалалар муҳокама этилди. Йиғилишни вилоят ҳокимининг биринчи муовини Т. М. Мирёқубов бошқариб борди.

1995 йил биринчи чорагидаги ижтимоий-сиёсий аҳвол ва Республика Президентининг Олий Мажлиснинг биринчи сессиясидаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар тўғрисида вилоят прокурори А. Маннонов ахборот берди. У ўз сўзида вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан жиноятчиликнинг олдини олиш, осойишталикни таъминлаш борасида катта ишлар қилинаётганлигини, бу борада вилоятдаги барча ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ҳамкорликда, ҳамжиҳатликда ҳаракат қилаётганликларини таъкидлади. Шу билан биргаликда бу борада айрим шаҳар ва туманларда бироз бўшашувчанликка йўл қўйилаётганлиги ҳам айтиб ўтилди. Бу яна бир бор жойларда вазиятни чуқур таҳлил этиш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ишини мувофиқлаштириш ва кучайтиришни талаб қилади. Айниқса, жамоатчилик, маҳалла қўмиталари, мактаб жамоалари ҳамда ота-оналар билан биргаликда ишлашга эътиборни кучайтириш керак.

Йиғилишда вилоятдаги вазият чуқур таҳлил этилди. Тегишли хулосалар чиқарилди, зарур вазифалар белгилаб олинди.

Йиғилишда вилоят ҳокимининг муовинлари Д. Н. Жаҳонгирова, Л. П. Тернових иштирок этдилар.

Тошкент тумани янгиликлари

БАЙРАМ ШАРАФИГА

Маданият ишлари вазирлиги республика театр арбоблари уюшмаси билан ҳамкорликда Ғалабанинг 50 йиллигига бағишлаб спектакллар кўрик-танловини ўтказмоқда. 5 майга қадар давом этадиган анжуманда барча вилоят ва пойтахт театрлари қатнашади. Кўрикда ижодий жамоаларнинг шонли санага атаб тайёрланган асарларини нуфузли ҳайъат баҳолайди.

Кўрик-танлов якунида энг яхши деб топилган драматик асар муаллифлар, театр спектакллари пул мукофотлари ва диплом билан тақдирланади. Голиб саҳна асарлари республика телевидениеси орқали намойиш этилади.

(ЎзА).

БИРИНЧИ ИШЛОВДАН ЧИҚДИ

ЭЛ ДАСТУРХОНИ тўкинлигини ўйлаб меҳнат қилаётган Тошкент тумани деҳқонлари эртаги сабзавот экинлари парваришини оби-тобида олиб бормоқдалар. 340 гектар майдондаги эртаги картошка биринчи ишловдан чиқди. 370 гектарга экилган карам, 137 гектардаги сабзи, ош лавлаги ва қанд лавлаги парвариши ҳам кўнгилдагидай йўлга қўйилган.

Бугун-эрта сифатли тайёрланиб, жўяк олиб қўйилган далаларга бақлажон, помидор ва болгар қалампири экиш ишлари ҳам бошлаб юборилади. Деҳқончилик дала ишлари тумандаги Ғ. Абдуллаев, «Ҳасанбой» ва «Ўзбекистон» жамоа хўжаликларида, айниқса, намунали олиб борилмоқда.

38 ТОННА КЎП

ТУМАН хўжаликларида сут соғиб олишда юқори кўрсаткичларга эришилмоқда. Айниқса М. Фозилов номли жамоа хўжалиги чорвадорлари эришаётган ютуқлар кишини қувонтиради. Хўжаликда ҳар бош сигирдан кунда 11,7 литрдан сут соғиб олинмоқда. Чорвадорлар ҳозиргача ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 38 тоннадан зиёдроқ серқаймоқ сут етказиб бердилар.

Т. САФАРОВ.

Саноат-қишлоққа

«БЎРОН» ИШГА ТУШДИ

ЧИНОЗ туманидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалигида «Бўрон» деб аталган кичик қўшма корхона ишга тушди. Сутни қайта ишловчи бу корхона февраль ойидан сариёғ, қаймоқ, сузма ва пишлоқ ишлаб чиқара бошлади. Бу маҳсулотлар сифати ва рақобатбардошлиги билан дарҳол харидорлар эътиборини қозонди. Нархи ҳам баланд эмас, бозордагидан анча арзон.

— Қўшма корхонамиз 1,5 — 2, ҳатто, 3 тонна сутни қайта ишлаш қувватига эга, — дейди корхона раҳбари Қўчқор Наштанов. — Хўжалигимизда етиштирилаётган сут эҳтиёжимизни қоплай олмайди. Бу ҳолатни янги раисимиз Эргаш ака Жонтелеевга тушунтирдик. У киши бизга дарҳол ёрдам қўлини чўзди. Ҳадемай қўшни Охунбобоев ва Собир Раҳимов номли жамоа хўжаликларидан ҳам сут ола бошлаймиз. Натижада, корхона тўла қувват билан ишлаб, яна 10 — 15 киши меҳнатга жалб қилинади.

«Бўрон» корхонаси жамоаси юқоридагилардан ташқари қуюлтирилган ширин сут ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб, ўз маҳсулотлари турини кўпайтиришни ҳам режалаштирмоқда. Тадбиркорларнинг олинган фойда ҳисобидан шу йилнинг ўзида колбаса ва сосиска цехларини ишга тушириш нияти ҳам йўқ эмас. Ускуналар мавоза йўли билан Россиянинг Саратов шаҳридан олиб келинади. Яна қанчадан-қанча одам ишли-жойли бўлади.

О. МАЪМУРОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг штатсиз муҳбири.

Луқма

Нима, чақа — пул эмасми?

Шу йилнинг 20 март куни юмуш билан Тошкентга бориб, яна Ғазалкентга қайтаётган эдим. Шимолий темир йўл вокзалида чипта олиш учун кассага бордим. Аммо, афсуски, чўнтагимда 12 сўм қоғоз пул билан икки сўм майда чақалар бор экан. Уларни кассир аёлга узатганимни биламан, у чақаларни кўриб, тўрсайиб олди:

— Чипта фақат қоғоз пулга сотилади, чақаларингни эса киссангга солиб қўй, — деди у лабини буриб.

— Опажон, бу чақаларни Ғазалкентдаги темир йўл кассасидан қайтимга беришган, — десам, у бошини сараксарак қилди-да:

— Мен чақа билан ишламайман, бориб алмаштириб кел, — деб оёқ тираб туриб олди.

Ажабландим, наҳотки эндиликда чақа пул пул ўрнига ўтмай қолган бўлса? Умримда бирор кишининг устидан шикоят қилмагандим. Кассир опанинг бу қилмиши таъсир этдими, шу пайтгача сира ҳам кўл урмаган ишимни қилмоқчи бўлдим. Унинг исми-фамилиясини сўрадим.

— Нима ишинг бор фамилиям билан? Кўп пашшахўрда бўлавермай тошингни тер, — у шундай деди-да, хонани ташлаб ташқарига чиқиб кетди.

Поезд жўнашига жуда ҳам оз вақт қолган эди. Ана шу сабабли ёнимдаги бор қоғоз пулларни бериб 12 сўмга битта чипта олишга мажбур бўлдим. Шундан бери гарчи орадан бир ой вақт ўтган бўлса ҳам сиркаси сув кўтармайдиган кассирнинг ўша қилмишидан ҳамон ўртанаман. Бир савол хаёлимдан сира кетмайди: чипта сотувчи кассир чақа пулни олмасдан тўғри қилдими? Агар тўғри бўлса, нега бу майда пуллар муомалага чиқарилган? Ёки чет эл пуллари алмаштирилаётгани каби чақа пулларни ҳам сўмга айлантириб берадиган пунктлар очилганми? Агар бу нотўғри бўлса, нега кассир аёл тўрсайиб «чақаларни бориб расмана пулга алмаштириб кел», дейди?

Халқимизда «бирники мингга, мингники туманга», деган нақл бор. Ҳозирги иқтисодий тақчиллик даврида кўпол, қўрс ва маданиятсизларча муомала қиладиган ўша кассирга ўхшаган кимсаларнинг ўзбошимчалик билан иш тутиши одамларда нотўғри таассурот қолдириши аниқ, албатта. Шундай экан, кишиларга хизмат кўрсатиладиган юмушларда қўпол шахслар хизматидан бутунлай воз кечиш лозим, деб биламан.

Р. ИСМОИЛОВ,
Ғазалкент шаҳри.

ЯНА БИР ЯНГИ ЦЕХ

ҚИШЛОҚ ҳаётида иқтисодий ислоҳотлар шарофати билан туб ўзгаришлар содир бўлмоқда. Яқинда Оққўрғон туманидаги Навоий номли жамоа хўжалигида мавжуд тикувчилик, гилам тўқиш, кулолчилик кичик корхоналари қаторига яна бир янги цех қўшилди. Колбаса ишлаб чиқариш цехи маҳсулот бера бошлади.

— Замонавий ускуналар ўрнатилган янги цех,— деди хўжаликдаги кичик корхоналар бошлиғи Ҳамза Қодиров,— бир кеча-кундузда 0,5 тоннага яқин гўштни қайта ишлаш қувватига эга. Ярим дудланган колбаса маҳсулотларимиз ҳозирдаёқ мижозларга маъқул тушмоқда. Хом ашё ўзимиздан чиқяпти. Энг қувончли томони шундаки, колбаса цехининг фойдаланишга топширилиши билан яна ўнлаб янги иш ўринларига эга бўлдик.

Н. ҲИКМАТУЛЛАЕВ.

Суратларда: механик Б. Айтқулов, ишчилардан А. Жўракулова ва Г. Тастанбековалар «МЦ-48» сариёғ олиш мосламасини бошқарадилар (чалда); «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги раиси Э. Жонтелеев ва «Бўрон» кичик корхонаси раҳбари Қ. Наштановалар ҳозиргина тайёрланган маҳсулот сифатини кўздан кечирмоқдалар.

А. РАҲИМОВ олган сурат.

Ғалабанинг 50 йиллиги

ЭЛЬБАДАГИ УЧРАШУВ

Кенсберг (ҳозирги Калининград)ни штурм билан эгаллашда фаол қатнашган дивизиямиз Германияга қайтиб Одер дарёси соҳилида мудофаа позицияни эгаллади.

Душман ўнг қирғоқда бир неча қатор хандақ қазиб, чангал сим тўсиқлари ва миналар ўрнатган ўз мудофаа маррасини мустаҳкамлаб олганини яхши биларди.

Бўлинмаларда бўлажак жангга тайёргарлик кўрилди. 1945 йил 24 апрелнинг тонг саҳарида самолётлар, тўплар, миномётларимиз душман устига ўқлар ёғдирди. Зарбдор кучлар резина қайиқлар, солларга жойлашиб, дарёнинг нариги соҳилига ўтди. Немис-фашистлари дот ва дзотлардан, тўплардан ўққа тута кетди. Майдонда олов бўрони авж олди. Франкфурт кўчаларидаги жангларда пиёдаларимиз алоҳида жасорат ва матонат кўрсатдилар. Исканжага олинган фашистларнинг қаршилиги кечга бориб бутунлай синдирилди. Асирга тушиб, попуги пасайган немис аскарлари билан гаплашсак «Гитлер капут, русиш гут!» дейди кўзини лўқ қилиб.

27 апрель қаттиқ жанглардан сўнг Берлин — Дрезден катта автомобиль йўли ёқасидаги Тойпитц ва Хальбе аҳоли пунктларидан душман ҳайдаб чиқарилди. Эртасига Клей Керсье Грос Келис учун бўлган жангда 518-ўқчи полкимизда вазият хийла оғирлашди. 2-батальон таркибидаги 5-ротадан 32 нафар йигитларимиз яраланди ва ҳалок бўлди. Душман эса юзга яқин солдат, офицеридан ажралди ва 250 фриц тириклайин таслим бўлди.

30 апрелда 1-Украина фронти танкчилари 2-Белоруссия фронти қисмлари билан қўшилди. Шу куни кечга яқин немис халқининг фюрери Адольф Гитлер ўзини ўзи ўлдирди, деган хабарни эшитдик. Кейинги икки кунлик жангларда дивизиямиз пиёда аскарлари, тўпчилари айниқса оммавий қаҳрамонлик кўрсатдилар ва душман катта талофатга учради. 500 фриц қириб ташланди ва 670 таси асир олинди. Турли калибрдаги 12 тўп, 28 пулемёт, миномёт, 400 дан кўп милтиқ, автомат ўлжа олинди.

Берлин учун олиб борилган жанглар хотирамдан чуқур ўрин олган. Ҳаёт-мамот жанги бораётган 3 майда дивизиямиз Эльба дарёсига чиқиш тўғрисида буйруқ олди.

4 май тушга яқин дарё атрофида мудофаа эгалланган ҳам эди-ки, гитлерчилар катта куч билан хужумга ўтди. Траншеялар бўйлаб «Ғалаба учун олға!» деган қўмонда янгради. «Ура» садолари билан жангчилар душманга ташланди. Ўқ дўлдек ёғиларди. Биринчи ҳамламиз қайтарилди. Яна икки бор атакага ўтилди. Лекин олдинга силжишнинг иложи бўлмади. Кўмондонлик беҳуда талофатни лозим кўрмади. Кечга яқин артиллериянинг 10 дақиқалик тайёргарлиги пиёдаларимизга катта ёрдам берди. Ҳамжиҳатлик билан қилинган ҳаракат натижасида душман соҳил яқинидаги Бург шаҳрига суриб ташланди.

Эртаси тонг саҳарда даҳшатли жанг натижасида душман эгаллаб турган охирги шаҳардан қочиб қутилди.

6 ва 7 майда Эльба — Шпрее дарёларини бир-бирига бирлаштирган канал атроф теварагида фашист газандалари узил-кесил тор-мор қилинди. Омон қолганлари америкаликларга таслим бўлишни афзал кўриб дарёга ўзларини ташлади ва нариги соҳилга талпинди.

Қирғоқ кўк майсаларга бурканган. Портлаш, отишмалар тугади, ер-осмонда тинчлик ҳукм суради. 1418 кеча-кундуз давом этган даҳшатли уруш бизнинг ғалабамиз билан якунланди.

Қизил байроқ ва Кутузов орденли Орел (2-Москва) номли 129-ўқчи дивизия Москва остонасидан немис-фашист босқинчиларни Стари Русс, Гомель, Белосток. Кенсберг, Варшава, Франкфурт, Одергача қувиб ўн минг чақирим йўлни жанг билан босиб ўтди. Қанчадан-қанча қон тўкилди, не-не қуролдош дўстлардан жудо бўлдик.

Эсимда, 1945 йил 7 май ёруғ сўлим боғда тантанали йиғилишда Америка армияси 102-дивизия қисмларининг вакиллари — зобитлар ва аскарлар билан учрашдик. Илгаридан қадрдон дўстлардек кучоқлашиб кўришдик. Кўзларда севинч ёшлари ғилтилларди. Имо-ишора билан бир-биримизнинг гапимизни тушунардик. «Хорошо — О. Кей» такрорланарди. «Жангларда қурбон бўлган қуролдошлар учун!», «Ғалаба учун», «Дўстлик ва тинчлик учун!» қадаҳлар кўтарилди.

Бу жангларда ўзбекистонлик ўғлонларнинг (дивизия жангчиларининг ҳар тўрт нафаридан бири ўзбек бўлган) бир қисми шаҳид кетди, омонлари ҳамон сафимизда. Одил Маҳсудов, бўкалик Абдуманнон Ҳусанов, Хўжанддан М. Саидов, тўйтепалик Эргаш Омонов, нукуслик Б. Сагитов ва бошқа кўп дивизиядошларнинг кўксидаги шода-шода орденлар ва медаллар жангда мардлик, маҳорат ва қаҳрамонлик кўрсатганлиги ифодасидир.

Тинчи-тинчимас фахрийларимиз ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва мустақил Ўзбекистоннинг иқтисодий тараққиётини тезлаштиришдек шарафли ишга муносиб ҳисса қўшаётганидан мамнунмиз.

Акром АЪЗАМОВ.
129-ўқчи дивизиянинг собиқ разведкачиси.
Оҳангарон шаҳри.

ҚАЛБДАГИ ЎҚ

Уруш йилларини эсласам, Зангиота, Янгийўл, Қовунчи қишлоқлари кўз ўнгимдан ўтаверади. Бунинг сабаби бор. Онам раҳматли ўша маконлардан бўлиб, холам, тоғаларим шу ерларда истиқомат қилишар, армияга ҳам ўша туманлар орқали бири кўнгилли бўлиб, бошқалари бир ойлик келинни ташлаб, қалби зардобга тўлиб жўнаган, кўплари қайтиб ҳам келишмаган. Абдумажид, Солиҳ, Илҳомжон, Икромжон каби тоға ва холаваччаларим бедарак кетишган. Хомид тоғам, Ғофур акалар майиб-мажруҳ бўлиб қайтишиб, умрларининг охиригача урушни қарғаб ўтдилар. Яраланиб қайтиб келганлар орасида зангиоталик Убайдулла Мусаев деган киши ҳам бўлиб, у киши ҳақида кўп ажойиб-ғаройиб гапларни эшитганман. Биров «Ўқ кўкрагини тешиб ўтса ҳам тирик қолипти» деса, бошқалари «Юрагини ҳам нақ ўртасидан ўқ теккан бўлса ҳам гинг демабди, паҳлавон» деб қўйишарди.

Биз уруш йилларининг ўқувчи болалари ёзги таътил вақтларида Тошкент яқинидаги ўша далаларга бориб арпа-буғдой ўриб олинган далалардан машоқ териб, толқон ва қулчаларга тўйиб уруш ҳақида, кетган тоға ва амакиларимиз ҳақида узун кечаларда ҳикоя сўзлар эдик. Оналаримиз бўлса, ойдинда ўтиришиб болдоқларини ой нурига солишар, «урушдагилар кўринар эмиш» деб ондон тикилишарди.

Уруш бошланган йилда Шимолий Тошкент канали қурилиши давом этарди. Шунда янгийўллик комсомол-ёшлар юрагига ғулғула тушиб қолди. Нима дейсан, Янгийўл комсомол қўмитаси котиби Убайдулла Мусаев деган йигит кўнгилли ёшларни тўплаётган эмиш: каналга бориб ишлашармиш, деган хабар тарқалди. Онамга «Мен ҳам бораман», деб ҳарҳаша қилганим эсимда. Онам бўлса ҳали 12 ёшга ҳам тўлмаганим, кетмон кўтаролмаслигимни айтиб йўлдан олиб қолганлар.

Шу воқеадан бир йилча ўтар-ўтмас Убайдулла Мусаев бир гуруҳ ёшлар билан кўнгилли бўлиб урушга кетаётганмиш деган гап таркалди. Шунда Солиҳ деган ўтолов тоғам эндигина 17 ёшга кирган бўлиб ўша кўнгиллилар билан бирга ҳарбий комиссарлик остонасига ётиб олди. Шунда ҳам уни олишмади. Лекин ўжар тоғам Тошкент станциясига келиб аскарлар орасида яширинча қизил вагонга осилиб урушга кетгани Янгийўлда ҳали-ҳануз кексаларнинг орасида гап бўлиб юради.

Янгийўллик ва зангиоталик ёшлар ҳақиқатан ҳам ўт-олов эдилар. Убайдулла Мусаев шуларнинг ичида жўрабоши ҳисобланарди. Кўнгиллилар Қирғизистоннинг Ўш шаҳри яқинида бир оз тайёргарликдан ўтишгач, Смоленск шаҳрида жойлашган 214-Суворов ўқчи дивизиясининг 589-полкига юборилдилар. Лейтенант унвонига эга бўлган Убайдулла взводга командир этиб тайинланди. Взводнинг жасорати фронт газеталарида тез-тез ёритилар, энг масъулиятли топшириқлар шу взводга берилар эди. Взвод янгилана-янгилана Пруссия ерларигача етиб борди. Бу оранда жангда кўрсатган жасоратлари учун Убайдулла Мусаевга иккинчи даража «Ватан уруши» ордени берилди.

Уруш охирлаб қолган кезлар эди. 1945 йилнинг март ойлари. Қўшинларимиз Шарқий Пруссиянинг Шмау деган қишлоғида олиб бораётган жангларда Мусаев взводи ўта масъулиятли топшириқ олади. Фашист газандалари жойлашиб олган қишлоқни улардан тозалаш керак эди. Фашистлар жон талвасасида истеҳкомга маҳкам ёпишиб олишган. Қуролларғлари ҳам кўп. Бир кеча-кундуз жанг бўлиб, взводнинг жасур йигитларидан кўпи ҳалок бўлишди. Лекин шунда ҳам бўш келишмай қишлоқни душмандан тозалашди. Энг сўнгги дақиқаларда мерган ўқи Убайдуллани ҳам йиқитди. Ўқ унинг чап кўкрагини тешиб ўтди. Жангдан сўнг санитарлар яраланганларни териб олишаётганда чалажон бўлиб ётган Убайдуллани пайқаб қолишди. Дала госпиталига олиб бориб жасур ва паҳлавон йигитни уч мартадан операция қилишиб ҳаётини сақлаб қолишди. Йигитнинг жисмонан бақувватлиги, ўта ҳаракатчанлиги шу ерда асқотди. Бўлмаса, ўпканни тешиб ўтиб, қовурғаларни синдирган ўқ омон қўярмиди уни. Қолаверса отаси Муса бобонинг ажали етмаса инсон омон қолаверар экан, деган сўзини кўп эсларди Убайдулла ака.

Урушдан анча кейин илм қидириб Москвага борган кезимда собиқ СССР Қуролли Қучлари Марказий музейини ҳам томоша қилдим. Стендларнинг бирида ўқ тешиб ўтган фирқа билетига кўзим тушиб қолди. Яқинроқ бориб ўқий бошладим. Лейтенант Мусаев У, деб ёзилган. Номери 2876390. Қанча муддат турганимни билмайман, бир вақт экскурсовод аёл келиб: «Бу киши Ўзбекистондан, ҳали ҳаёт деб эшитаман, кўрганмисиз, Меҳнат Қаҳрамони эмиш» деб қизиқсиниб қолди. Ўша тун уруш йилларини янгийўллик қариндошларим, фронтга кетган оғаларимни эслаб Тошкентга боргач Убайдулла ака билан бир суҳбатлашишни дилимга тугиб қўйган эдим...

Убайдулла Мусаев ўша жангда кўрсатган жасорати учун биринчи даража «Ватан уруши» орденини олган эди. Урушдан қайтгач ўзини меҳнат қучоғига отган Убайдулла ака катта лавозимларга ва юксак обрўга эга бўлди. У урушдан кейин халқ хўжалигини тиклаш бўйича қилган баракали хизматлари учун 1957 йили Меҳнат Қаҳрамони деган шарафли ном олди. Янгийўл туман ижроия қўмитасига раислик лавозимигача кўтарилди, ўз она қишлоғидаги жамоа хўжалигини узоқ йиллар бошқариб яна қатор ҳукумат мукофотларига сазовор бўлди. Энг муҳими, нафақат зангиоталиклар, янгийўлликлар, балки бутун вилоят меҳнаткашлари дилида қолди.

Убайдулла ака зорланадиган, нолийдиган одамлардан эмас эди. Урушдан орттирган дарди аёвсиз азоб бераётган бўлса ҳам бировга ёрмади. Эсон-омон қайтгани учун шукр айлаб, эл-юрт ташвишида соч оқартирди. Олинган жароҳат йил сайин ўзини қаттиқроқ билдирарди. У 58 ёшида омонатини топширди. Жисмонан бақувват, серҳаракат бўлган бу киши узоқ йиллар яшаган, отаси Муса ота сингари тўқсондан ошган ҳам бўлур эди. Бироқ қалбдаги ўқ зарҳи ўз ишини қилди. Шу сабабли Убайдулла акаларнинг ўлими ҳам шаҳид кетганлар қатори уруш қурбонлари ҳисобига ўтиши керак, деб ўйлаймиз. Илоҳи жойлари жаннатда бўлсин, у кишининг.

Ш. ҚОСИМОВ.

ЖАНГЧИ ШОИР

ЯҚИНДА пойтахтдаги Миробод тумани мактабларининг ўқувчилари билан учрашувлар чоғида мен уруш ва меҳнат фахрийси, шоир Мирон Докторовнинг шеърларини эшитиб қолдим. У шу қадар самимий шеърлар ўқидики, тингловчилар уни қайта-қайта минбарга таклиф қилдилар, уруш ва ғалаба ҳақида сўзлатдилар.

Мирон Докторов урушнинг бошидан то охиригача жангларда иштирок этиб, кейин ҳам 1947 йилгача армияда хизмат қилган. Сўнг Ўзбекистонга келиб «ўзбексувқувват» бирлашмасида 25 йил меҳнат қилди. «Инсон ташаккури», «Улар шаҳар қураётирлар», «Порланг, Ангрен юлдузлари!», бадиҳа китоблари, «Тинчлик йўлида», «Ёнаётган юлдузлар» номли шеърий тўпламларининг муаллифи.

Қуйида М. Докторовнинг шеърларидан айримларини эътиборингизга ҳавола этамиз.

Мирон ДОКТОРОВ

ҲАММА ҲАНДАҚЛАРНИ ЎТ-ЎЛАН БОСДИ

Ҳамма ҳандақларни ўт-ўлан босди,
Ҳарбий истеҳкомлар қолмади омон.
Жанглар ичра ёнган аскарлар ёди
Оврўпонинг эсида ҳамон.

Машъум офатлардан ерни поклаган,
Аскарлар оз қолди заминда.
Одамлар йўл берар эҳтиром билан
Болалар эргашиб юрар ортинда.

Қаришди ажибул қаҳрамонлар ҳам
Энди энг ёши ҳам олтмишдан нарёқ.
Фақат ерда ётган ёвқур инсонлар
Ёшдир, сочларига тушмагандир оқ.

Юлдуз ловуллайди ёдгорлик узра,
Мардлик жасорати биландир азим.
Жангда ҳалок бўлган ва тирик қолган
Барча аскарларга қиламан таъзим!

БИР ҚОШИҚ ДОСТОНИ

«Ўзбексувқувваткурилиш» бирлашмасининг ходими, уруш қатнашчиси Александр Семенович Клишинга бағишланади

Олис бир қишлоқнинг ёғоч кулбаси,
Укроп ҳиди келар остона ёқдан.
Тўплар отишмасин тиниб нафаси,
Александр Клишин чиқди ҳандақдан.

Улов билан келди ҳарбийлар оши:
— Йигитлар, тез келинг, ошлиқни олиб,
Клишин тополмас эди бир қошиқ,
баъзан шундай бўлар, довдираб қолиб.

Иссиққина эди буғдой-кичири,
Ошпаз кулиб сарёғ солди устидан.
— Онажон, беадаб ўғлингни кечир, —
деб қошиқ сўради уй эгасидан.

— Мана ол, жон болам, қалайи қошиқ —
Ўзи биттагина — гапнинг омади... —
Аммо охирига етмади тушлик —
Клишин қошиқни қайтаролмади.

Гумбурлай бошлади душман тўплари,
Ўлим миналари ёғилди кўкдан.
Кичирни тотинмай, аскарлар бари —
Бошдан-ёқ ўтди ҳужумга полк ҳам.

«Бос-бос»ни қизитди бизнинг мард қўшин,
Душманлар қочмоққа ошиқди.
Аммо кўнгли нотинч эди Клишин —
Қайтиб беролмади, афсус, қошиқни.

Ўтди, ортда қолди урушган чоғлар,
Клишин уйига қайтди соғ-омон.
Аммо хат ёзарди ўша қишлоққа,
У жангни, қошиқни эслаб ҳар замон.

«Ул хотин борми?» деб сўрарди хатда,
Афсуски, отини билмас ҳам эрди.
Яширмай, тўғрисин ёзиб бу ҳақда,
Неки деган бўлса самимий дерди.

Жавоб келди бир кун, бу йил куздами...
Ул хотин ва уйи аниқланибди...
Клишин ул «ҳарбий қарзин» узгани,
Кампирнинг ёнига бориб келибди.

Энди олам гўё боқарди кулиб,
Клишин қалбида қолмади ғубор.
Бир аскар виждонин далили бўлиб,
Ул қошиқ музейда турар барқарор.

Русчадан Миразиз АЪЗАМ таржимаси.

БУЮК ЮРТГА ПОСБОН — ЎҒЛОНЛАР

Аскар-95

Ҳар қандай юртнинг куч-қудрати, ижтимоий тараққиёти, фуқароларнинг осойишта ҳаёти шу мамлакат армиясининг нечоғлик мустаҳкамлигига, унинг сафларидаги мард, фидойи аскарларига боғлиқ. Давлатимизда ҳам қуролли кучларимиз сафларини жисмонан соғлом, ақлан баркамол,. ватанпарвар зобит ва аскарлар билан тўлдиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Жумладан, яқинда вилоят ёшлар Иттифоқи қўмитаси ташаббуси билан вилоят мудофаа ишлари ва вилоят халқ таълими бошқармаларининг Ғалабанинг 50 йиллигига бағишлаб Тошкент олий умумқўшин командирлари ўқув юртининг дала масканида ўтказган «Аскар-95» ҳарбий-спорт мусобақаси ҳам ана шундай тадбирлардан бири бўлди. Бу мусобақа аввал мактабларда синфлараро, кейин туман ва шаҳарларда мактабларо ўтказилиб, ғолиб гуруҳлар вилоят миқёсида ўтадиган танловга тавсия қилингандилар.

Беллашув иштирокчилари армия тартиби билан танишдилар. Мақсад йигитларни аскарлик шароитларига ўргатиш, у ҳақда тушунча ҳосил қилиш эди.

Тонгда, соат 6.00 да «Подъем» буйруғи янграб, тонгги бадантарбия, нонуштадан кейин эса беллашувлар бошланиб кетди. Мусобақа шартлари орасида турникда тортилиш, тўсиқлардан югуриб ўтиш, юз метрга ва 3 километрга югуриш, 700 граммли граната улоқтириш, автоматни бўлакларга бўлиш ва йиғиш, автомат ва милтиқдан ўқ отиш, противогазни чаққонлик билан кийиш каби бир қатор ҳарбий-спорт машқлари ўрин олганди. Йигитлар танлов давомида ўзларининг ҳарбий хизматга нечоғли тайёр эканликларини ҳамда мактабларида ҳарбий таълим ва жисмоний тарбия дарсларига қандай эътибор қаратилганини намойиш этдилар.

Туманлар орасида бўстонлиқликлар биринчи, Оққўрғон тумани вакиллари иккинчи, чинозликлар учинчи ўринга эга бўлдилар, Чирчиқ, Ангрен, бекободлик қатнашувчилар эса шаҳарлар ўртасида ғолиб деб топилдилар. Ғолиб мактаб гуруҳларига ва ҳар бир турда яхши кўрсатгичга эришган йигитларга вилоят Ёшлар Иттифоқи қўмитасининг ва вилоят «Ватанпарвар» жамиятининг қимматбаҳо совғалари ҳамда ҳар бир иштирокчига «Амир Темур ўғитлари» китоби тақдим этилди.

«Аскар-95» кўрик-танловининг ёпилиш маросимида вилоят мудофаа ишлари бошқармаси бошлиғи П.Ражабов, вилоят фахрийлар кенгашининг раиси А.Алимов ва бошқалар қатнашди.

А. РАИМОВ.



Кўрик-танловдан.

Даврон АҲМАД олган суратлар.



«СОВПЛАСТИТАЛ» ҚЎШМА КОРХОНАСИ

ўзбек халқини
1941 — 1945 йиллардаги урушда қозонилган
Ғалабанинг 50 йиллиги билан ТАБРИКЛАЙДИ!
Сизга тинчлик ва барқарорлик тилаймиз!
Ҳурматли фахрийлар — иккинчи жаҳон урушининг ғолиблари ва фронт ортида хизмат қилган меҳнаткашлар!

24 АПРЕЛДАН 8 МАЙГАЧА

Сизларни фирма дўконларимизда нархи 25 фоиз туширилган ассортиментдаги маҳсулотларимизни харид қилиш учун ТАКЛИФ ЭТАМИЗ!
Ёнингизда фахрийлик гувоҳномангиз бўлиши керак.
«СОВПЛАСТИТАЛ» ҚЎШМА КОРХОНАСИ фирма дўконлари Сизни кутади.

ДЎКОНЛАР МАНЗИЛГОҲИ:
1-Абдулла Қодирий кўчаси, 24, метронинг «F. Ғулом» бекати;
2-Халқлар Дўстлиги шоҳ кўчаси, 25, метронинг «Чилонзор» бекати.

29 АПРЕЛЬ КУНИ, СОАТ 11.00 ДА БОШЛАНАДИ

ДИҚҚАТ!

Республика Кўчмас мулк Биржасини Тошкент вилоят бўлими, Вилоят Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллабқувватлаш Бошқармаси ва Пискент тумани ҳокимияти ер участкаларининг

КИМ ОШДИ САВДОСИНИ ЎТКАЗАДИ

Савдога тақдим қилинади:
1. Ўй-жой қуриш ва хусусий ёрдамчи хўжалик олиб бориш учун мўлжалланган ер участкалари

№	Ер участкаси манзили	Ер участкалари сони	Бир участка сатхи (кв.м)	Бошланғич нархи
1.	Пискент шаҳри БИРЛИК ерлари	8	400.0	6960.0
2.	«ТУРКИСТОН»	8	400.0	5700.0
	жамоа хўжалиги	8	600.0	8550.0
3.	«ДЎСТБЕКОВ»	10	400.0	5700.0
	жамоа хўжалиги	10	600.0	8550.0
4.	«ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИ»	8	400.0	5700.0
	жамоа хўжалиги	8	600.0	8550.0
5.	ҲАЙДАРОВ	5	400.0	5700.0
	жамоа хўжалиги	5	600.0	8550.0

АРИЗАЛАР ҚУЙИДАГИ МАНЗИЛДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ:
— Тошкент шаҳар, Хоразм кўчаси, 51.2—қават. 82-хона. (Тошкент вилоят ҳокимлиги биноси)
— Пискент шаҳар (Туман ҳокимлиги биноси, хусусийлаштириш бўлимида) ҳар куни соат 9.00 дан 17.00 гача
МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР:
ТОШКЕНТ шаҳрида. 33-08-65. КОД. 3712;
ПИСКЕНТ шаҳрида. 51-606... КОД. 254
КИМ— ОШДИ савдоси Пискент тумани ҳокимлиги мажлислар залида
29 АПРЕЛЬ КУНИ, СОАТ 11.00 ДА бошланади.

Бугун жисмоний тарбиячилар куни

Спортга ошно бўлган ҳар бир ёшу-қари фақат ютади. Ютганда ҳам дуру-гавҳар, бойлик билан ўлчаб бўлмайдиган СОҒЛИҚ-САЛОМАТЛИКНИ ютади. Соғлиқ, саломатлик, бардамлик бор ерда эса ишинг бароридан келаверади.

Байрам муносабати билан республикамизнинг барча шаҳар ва қишлоқлари қатори вилоятимиз спорт ўйингоҳларида ҳам катта, ранг-баранг, қизиқарли мусобақалар ўтказилади. Чирчиқ, Олмалиқ, Бекобод, Ангрен, Янгийўл шаҳарлари ва бир қатор туман марказларида спортнинг энг оммавий турлари — футбол, енгил атлетика, миллий кураш, волейбол, баскетбол, теннис, шохмот-шашка ва бошқа турлар бўйича биринчиликлар, ўртоқлик учрашувлари, кўргазмали чиқишлар бўлади.

ВИЛОЯТ СПОРТИ РАҚАМЛАРДА

● Вилоятда 1406 жисмоний тарбия жамоаси фаолият кўрсатмоқда.

● 470 мингга яқин ёшу-қари спортнинг у ёки бу тури билан машғул.

● Соғломлаштириш гуруҳларида 16 мингдан зиёд киши шуғулланмоқда.

● Вилоятда 30 та ўйингоҳ, 465 та спорт зали, 416 та футбол майдони, 818 та волейбол, 530 та баскетбол, 14 та теннис корти ишлаб турипти.

● Ўтган йили 423 ҳаваскор биринчи разряд талабини, 14080 йигит-қиз иккинчи ва учинчи разряд талабларини, 92 спотчи усталикка номзод, 41 киши спорт устаси талабларини, бир киши эса халқаро тоифадаги спорт устаси талабини бажарди.

● Вилоятда 2460 спорт мураббийси фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг 1634 нафари қишлоқ жойларда меҳнат қилмоқда.

ҲИМА? ҚАЧОН? ҚАЕРДА?

ВЕЛОПОЙГА

● Тошкент вилояти йўллари бўйлаб Ўзбекистон республикаси Вазирлар Маҳкамаси мукофоти учун энг кучли велопойгачиларнинг кўп кунлик мусобақаси давом эттирилади.

ДЗЮДО

● Бугун дзюдо спорти бўйича қизлар ва йигитлар ўртасида Чирчиқ шаҳрида республика чемпиони унвони учун беллашувлар бўлиб ўтади.

ШОХМОТ

● Спортнинг бу тури бўйича Ўзбекистон 60-юбилей биринчилиги ўйинлари давом этади. Биринчилик Низомига кўра дастлабки 5 та ўринни эгаллаган шохмотчи Тошкентда ўтадиган жаҳон зонал турнирида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлади.

БАЙДАРКА ВА КАНОЭ

● Куни кеча Самарқанд шаҳрида байдарка ва каноэ бўйича Ўзбекистон кубоги учун мусобақалар бўлиб ўтди. Унда яна Токиода ўтказилган Осиё ўйинлари мусобақалари совриндорлари пешқадамлик қилдилар. Жумладан, вилоятимиз вакили Владимир Казанцев 10 минг метр масофага бўлган баҳсда биринчи ўринни эгаллади. 200 метрлик масофага бўлган эшкак эшишда умидли, Осиё ўйинлари кумуш совриндори Ирина Лялинанинг укаси Игор ғолиб бўлди.

«ХАЛҚОБОД»ГА КЕЛИНГ

Зоҳиджон НОРМАТОВ.
Янгийўл тумани жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси

Ўзбекистон спортчилари қатори туманимиз жисмоний тарбиячилари ҳам ўз байрамларнини муносиб ютуқлар билан кутиб олмоқдалар. Бугун республика жисмоний тарбиячилар байрами кунида туманимиздаги «Халқобод» ўйингоҳида катта спорт байрами бўлади. Хозирги иқтисодий қийинчиликларга қарамай туман ҳокимлиги имконият даражасида спорт ишларини жонлантиришга ёрдам бериб келмоқда. Бугунги байрамимизга ҳам пухта тайёргарлик кўрдик. Ўйингоҳга келадиган томошабинлар туманимиз етакчи спортчилари иштирокида футбол, кураш, югуриш, тош кўтариш, арқон тортиш — жами 11 тур бўйича мусобақаларнинг гувоҳи бўладилар. Эрталабданоқ болалар ўртасида футбол турнири бошланади. Ютқазган мусобақадан чиқиб кетаверади, ютган эса соврин учун курашни давом эттиради. Туманимиздаги 10 та жамоа хўжалиги, 6 та давлат хўжалиги, корхоналар, уюшмалар спорт байрамида актив иштирок этадилар. Байрамга ҳозирлик кўришда спорт жонкуярлари Озод Жонқораев, Эркин Обидов, Абдуҳаким Мирзаев сингари фаолларимиз меҳнатини таъкидлаб ўтишни истардим.

Шунингдек спорт байрамида туман бадиий ҳаваскорлари ҳам хизматда бўлишади.

«Халқобод» ўйингоҳимизга келинг. Дам олиб ҳордиқ чиқариб қайтасиз. Сизни кутамиз.

ИСТАК БЎЛСА...

Кейинги икки йил ичида вилоят, республика миқёсида ўтказилаётган турли мусобақаларда Бўстонлиқ тумани вакиллари муваффақиятли қатнашиб, тез-тез совриндорлар қаторидан ўрин олиб келишмоқда. Ўтган йили Ғазалкентда замонавий спорт ўйингоҳи қурилгач, ишлар янада юришиб кетди. Бу ерда футбол, енгил атлетика, волейбол, баскетбол, кураш, теннис, шохмот-шашка ва бошқа секциялар ишлаб турибди. Тўғаракларда шуғулланаётганлар сафи ҳам тобора ортмоқда. Туман ҳокимлиги ҳозирги иқтисодий тақчиллик шароитида ота-боболаримиздан қолган яхши удумни қўллаб, жойларда хашар йўли билан кам харажат талаб этиладиган оддий спорт майдонлари қуришга ва бу билан қишлоқ ёшларининг бўш вақтлари мазмунли ўтишига эътиборни кучайтирди. Бу ишларга малакали, жонкуяр, мутахассислар жалб этилди. Бор-йўғи бир йил муқаддам ташкил этилган «Ғазалкент» футбол командаси 2-гуруҳда ғолиб келиб, биринчи гуруҳга йўлланма олди. Бу йилги мавсумда туман спорт шарафини Ўзбекистон биринчилиги биринчи гуруҳида муносиб ҳимоя қилмоқда. «Ғазалкент» жамоаси футболчилари дастлабки уч турда барча рақибларини мағлубиятга учратиб, иккинчи минтақада 9 очко билан якка пешқадамликни қўлга олдилар. Туман футболчилари сафарда ҳам яхши ўйнашмоқда. Улар Хаққулободда «Норин» жамоасини 2:0 ҳисобида мағлуб этишга муваффақ бўлдилар.

Туманда самбо, миллий кураш, гимнастика, бокс, шохмот-шашка клублари мунтазам фаолият кўрсатаётганлиги туфайли янги чемпионлар етишиб чиқмоқда. Бокс бўйича Бахт Ўрозбоев, Нурғали Абдураимовлар Бишкекда ўтказилган халқаро мусобақада соврин олдилар. «Енбек» жамоасининг аъзоси Бексаид Жуманов эса жаҳон биринчилиги мусобақасида қатнашиш шарафига муяссар бўлди.

У. УМУРЗОҚОВ.
Суратда: «Ғазалкент» жамоаси аъзолари.
З. ПЕРНЕЕВ суратги.

СЕВГАН КОМАНДАНГИЗ НЕЧАНЧИ ЎРИНДА?

ФУТБОЛ бўйича Ўзбекистон биринчилиги олий табақа иштирокчилари тўрт турдан сўнг жадвалда эгаллаб турган ўринларига бир назар солиб, мавсумнинг дастлабки ўйинлари ҳақида мулоҳаза қилиб кўринг-а...

ЖАМОАЛАР	Ў	Ю	Д	М	Т	О
«Нефтчи»	4	3	0	0	13—1	12
«Нурафшон»	4	3	0	1	9—4	12
«Сўғдиёна»	4	2	1	1	8—3	7
«Пахтакор»	4	2	1	1	7—5	7
МХСК	4	2	1	1	5—3	7
«Атласчи»	4	2	0	2	6—7	6
«Наврўз»	4	2	0	2	4—5	6
«Трактор»	4	2	0	2	4—5	6
«Темирйўлчи»	4	2	0	2	3—5	6
«Янгиер»	4	1	2	1	5—5	5
«Навбаҳор»	4	1	1	2	2—5	4
«Машъал»	4	1	1	2	2—6	4
«Динамо»	4	1	1	2	2—8	4
АСК	4	0	2	2	5—7	2
«Политотдел»	4	0	2	2	4—7	2
«Чирчиқ»	4	0	2	2	1—4	2

Биринчи гуруҳ, иккинчи минтақа қатнашчиларининг бугунгача турнир жадвалидаги аҳволи қуйидагича:

Жамоалар	Ў.	Ю.	Д.	М.	Т.	О.
«Ғазалкент»	3	3	0	0	6-1	9
«Маданият»	3	2	1	0	3-2	7
«Шаҳрихон»	3	2	0	1	2-4	6
«Чилонзор»	3	1	2	0	2-1	5
«Бағдодчи»	3	1	1	1	5-3	4
«Кушон»	2	1	1	0	2-1	4
«Наврўз»	3	1	1	1	3-3	4
«Бахт»	2	1	0	1	4-3	3
«Олтинкўл»	3	1	0	2	3-3	3
«Мебельчи»	3	1	0	2	2-2	3
«Кимёгар»	3	0	2	1	2-3	2
«Гулистон»	2	0	0	2	1-4	0
«Норин»	3	0	0	3	1-8	0

«ҚИТЪАЛАРАРО ОЛТИН КАМАР» СОҲИБИ

Ўзбекистонда профессионал бокс тури ташкил топганига атиги бир ой бўлди, холос. 18-19 март кунлари бокс мухлислари «Алпомиш» спорт залида биринчи бор профессионал боксчилар ўртасида ўтказилган мусобақаларни томоша қилган эдилар. Ўзбекистон вакилларининг профессионал боксчилар ўртасида жаҳонда танилиши, танилганда ҳам довруғ таратиши учун атиги бир ой кифоя қилди, холос.

Куни кеча Германиянинг Ахен шаҳридан хушхабар келди. Бу ерда ватандошимиз Артур Григорян Италия профессионал боксчиси «Қитъалараро олтин камар»-нинг икки марта соҳиби Хулио Монтелла билан учрашди. Жаҳон боксчилар уюшмасининг қоидасига мувофиқ ҳар бир боксчи бундай совринга уч марта сазовор бўлса, у мукофотнинг доимий эгаси бўлиб қолади. Шунинг учун ҳам Италия бокчиси бўлажак учрашувга жуда пухта тайёргарлик кўрганди. У олишув олдидан мухлисларига, албатта, ғолиб чиқаман, деб ваъда ҳам берганди.

12 раундлик беллашувнинг саккизинчи раундида Артур Григоряннинг зарбаси шундай кучли бўлдики, Хулио курашни давом эттира олмади. Шундай қилиб, ҳамюртимиз «Қитъалараро олтин камар» соҳиби бўлиб Тошкентга қайтди. Қоидага мувофиқ Хулио олтин камарни қайтариб олиши учун уч ойдан сўнг рақиби билан такрор рингга чиқишга ҳақли. Лекин ҳарифини тўла устунлик билан мағлубиятга учратган Артур Григоряннинг нияти ҳам улуғ. У «Қитъалараро олтин камар»нинг Ўзбекистонда буткул қолиши учун ҳаракат қиламан, деб ваъда берди.

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

ДУШАНБА, 24

ЎзТВ I

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Кум соат», «Кучукча ва эски шиппак». Мультфильмлар.
18.30 «Хазинамиз таянчи».
18.55 Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси дуторчилар ансамблининг концерти.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахборот (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Армонли дунё». Усмон Носир.
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахборот.
21.25 Эълонлар.
21.30 Япония ҳақида ҳикоялар. «Тараққиёт қон томири».
21.50 «От кишнаган оқшом». Йўлдош Охунбобоев номидаги Ёш томошабинлар театрининг спектакли. Телепремьера.
23.50 — 00.15 «Ўзбекистон» ахборот.

ЎзТВ II

«Тошкент» студияси таништиради:
18.30 Болалар учун. «Кўзмунчоқ».
19.00 «Излаган имкон топади».
19.30 «Ҳамшаҳарлар» видеоканали:
— «Юзма-юз».
— «Оқ кутича».
— «Менинг маҳаллам».
21.00—21.45 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Темирйўлчи» — «Нефтчи».

ЎзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.
*
18.40 «Мультқарусель».
18.55 Халқаро танлов совриндори Татьяна Абиякий куйлайди.
*
«ОМАД» таништиради:
19.55 «Совға».
20.25 «4/8». Мусиқий кўрсатув.
20.45 Жаҳон географияси.
21.35 Эълонлар.
21.40 Видео — «О».
23.20 Эълонлар.
23.25 «Курьер».
23.45 «...яна об-ҳаво ҳақида».
23.55 «Постфактум».
00.05—00.25 Жаҳон янгиликлари («Эй-Би-Си»).

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ
17.50 «Тиғиз пайт».
18.10 «Аляска КИД». Телесериал. 2-серия — «Тириклайин кўмилганлар».
19.05 «Эркак ва аёл».
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.45 «50 йил муқаддам ушбу кунларда».
21.00 «Сен-Роман иши». Телесериал. 4-серия.
21.55—22.55 «Матбуот клуби».

СЕШАНБА, 25

ЎзТВ I

6.00— 8.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
8.00 Буюк Ғалабанинг 50 йиллигига. «Қилич ва қалқон». Бадиий фильм. 1-серия — «Ихтиёр ўзимда эмас».
9.20 «Афғон рубоби оҳанглари». Фильм-концерт.
9.50 «Кафолат».
10.20 Немис тили.
10.50—12.50 «Умидлар йили». Видеоканал.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 Болалар учун. «Табиат алифбоси».
18.40 «Суянч».
19.00 Лирик концерт.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахборот (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Ўзбектелефильм» кўрсатади: «Нақшлар бўстони».
20.10 «Тафаккур ёлқинлари».
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахборот.
21.25 Эълонлар.
21.30 «Ватанни севмоқ иймондандир».
22.30 «Кино, кино, кино».
23.20—23.40 «Ўзбекистон» ахборот.

ЎзТВ II

«ОМАД» таништиради:
18.30 «Мультфейерверк».
19.00 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
19.20 «Теле-ателье-шоу».
19.30 Ҳайвонот дунёсининг сирлари.
20.20 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
20.45 Янгиликлар.
20.50 Видеогид.
21.10 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
21.50 «Кинонигоҳ».
23.30 — 23.50 Жаҳон янгиликлари («Эй-Би-Си»).

ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.
*
18.40 «Мультқарусель».
18.55 «Ўорлднет» телекомпанияси янгиликлари.
19.15 «Дурдаршн» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
20.15 «Спорт-тайм».
20.55 «Манбалар».
21.35 «Би-Би-Си» янгиликлари.
21.45 «Нон таъми».
22.05—22.45 Эстрада калейдоскопи.

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ
5.00—8.00 «Телетонг».
***
17.55 «Тиғиз пайт».
18.15 «Аляска КИД». Телесериал. 3-серия — «Қизлар гулхани».
19.05 «Мавзу».
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.45 «Илк манбадан».
20.55 «Серафима Глюкинанинг иш ва байрам кунлари». Телевизион бадиий фильм. 1-серия (Свердловск киностудияси, 1988 й.).
22.05 «Талқинлар».
22.20—23.35 «Серафима Глюкинанинг иш ва байрам кунлари». 2-серия.

ЧОРШАНБА, 26

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
8.00 Буюк Ғалабанинг 50 йиллигига. «Қилич ва қалқон». Бадиий фильм. 2-серия — «Яшаш шарт».
9.40 «Оналар мактаби».
10.10 «Ўзбектелефильм» кўрсатади: «Беназир санъаткор».
10.30 — 12.30 «Биз танлаган йўл». Видеоканал.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Қойилмақом Гоша». Мультфильм.
18.15 «Хусусийлаштириш-нинг янги йўналишлари».
18.35 «Спорт хабарномаси».
18.45 «Дил номалари». Мусиқий кўрсатув.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахборот (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак».
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахборот.
21.25 Эълонлар.
21.30 «Мозийга бир назар».
22.00 «Алпомиш авлодлари». Миллий кураш бўйича Ал-Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган халқаро турнир якунига доир.
23.00 — 23.25 «Ўзбекистон» ахборот.

ЎзТВ II

«Тошкент» студияси таништиради:
18.30 Болалар учун. «Қалбимда қуёш порласин».
19.10 «Дарвоқе..»
19.30 «Жонли тил».
20.30 «Ҳамкасблар».
21.00 «Саломат бўлинг!».
21.30 — 23.10 «Кинематограф».

ЎзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.
*
18.40 «Мультқарусель».
18.55 «Ёшлик» студияси. «Гул ва ...».
19.35 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
*
«ОМАД» таништиради:
20.25 — 23.25 «СПОРТ ҚИТЪАСИ».

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ
5.00 — 3.00 «Телетонг».
* * *
18.00 «Тиғиз пайт».
18.20 «Аляска КИД». Телесериал. 4-серия — «Севги мўъжизаси».
19.15 «Телеёдномалар». Роберт Рождественский.
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.40 — 22.00 «Славянканинг хайрлашуви». Бадиий фильм (Свердловск кино-студияси, 1985 й.).

ПАЙШАНБА, 27

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
8.00 Буюк Ғалабанинг 50 йиллигига. «Қилич ва қалқон». Бадиий фильм. 3-серия — «Шикоятга ўрин йўқ».
9.15 «Ўзбектелефильм» кўрсатади: «Ботир Зокиров». Фильм-концерт.
9.55 «Буни ҳамма билиши керак».
10.30 Ўқув кўрсатуви. Физика.
11.00 «Кашф этилаётган имкониятлар».
11.30 Хор қуйларидан концерт.
12.00 — 12.20 «Ҳуқуқингизни биласизми?».
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Бир сиқим тупроқ».
18.45 Мусиқий дақиқалар.
18.55 «Ислоҳот ва масъулият».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахборот (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Мен буюк юрт ўғлидурман».
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахборот.
21.25 Эълонлар.
21.30 «Вақт — ҳакам».
22.00 «Умр девони». Шокирхон Ҳакимий.
23.00 — 23.25 «Ўзбекистон» ахборот.

ЎзТВ II

«ОМАД» таништиради:
18.30 «Омад» тақвими.
18.35 «Кўнгил».
18.40 «Жозиба».
19.00 «Бир шингил ҳангома».
19.10 «Муҳаббатга ошно қалблар».
19.30 «Теле-ателье-шоу».
19.40 Видео янгиликлари.
20.05 Янгиликлар.
20.10 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
20.55 «Кинонигоҳ».
22.35 — 22.55 Жаҳон янгиликлари («Эй-Би-Си»).

ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.
*
18.40 «Мультқарусель».
18.55 «Айчурек» (қирғиз тилида).
19.35 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.25 «Ўорлднет» телекомпанияси янгиликлари.
20.45 Ғалабанинг 50 йиллигига. «Қуддусдан хатлар».
21.15 «Булоқлар кўз очганда».
21.45 — 22.45 «Дурдаршн» телекомпаниясининг кўрсатувлари.

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ
5.00 — 8.00 «Телетонг».
* * *
17.50 «Тиғиз пайт».
18.10 Баскетбол. Россия чемпионати. Эркаклар. Финал. «Динамо» (Москва) — МАСК.
18.55 «Аляска КИД». Телесериал. 5-серия — «Скво-Крикни забт этиш».
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.45 Сибирь Давлат академик рус халқ хорининг концерти.
*
21.05 — 21.45 «Ғалаба солдатлари». Телемарафон.

ЖУМА, 28

ЎзТВ I

6.00—8.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
8.00 Буюк Ғалабанинг 50 йиллигига. «Қилич ва қалқон». Бадиий фильм. 4-серия — «Сўнгги марра».
9.10 Немис тили.
9.40 «Қишлоқ стадионларида».
10.00 Буюк Ғалабанинг 50 йиллигига. «Садоқат».
10.45 «Китоб ва ҳаёт».
11.20 «Дўстлик қўшиқлари».
11.50 «Яшил бойлигимиз».
12.20—12.50 «Баҳор севинчлари». Адабий композиция.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Фарзанд — умид юлдузи».
18.35 «Унутилмас сатрлар». Беҳбудий.
19.00 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар...».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахборот (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Шеърият дақиқалари».
20.10 «Жараён».
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар
21.00 «Ўзбекистон» ахборот.
21.25 Эълонлар.
21.30 Буюк Ғалабанинг 50 йиллигига. «Хотира китоби».
22.00 «Ўзбекистон композиторлари». Мутаваккил Бурхонов.
23.00—23.25 «Ўзбекистон» ахборот.

ЎзТВ II

«Тошкент» студияси таништиради:
18.30 Болалар учун. «Катта театр ҳақида кичик ҳикоя».
18.50 «Ўтмишсиз келажак йўқ».
19.20 «Баҳор манзаралари».
19.30 «Бу бўстон аро...».
20.20 «Самарали изланишлар».
20.30—21.45 «У замонлар ўтиб кетди». Бадиий фильм.

ЎзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.
*
18.40 «Мультқарусель».
*
18.55 Чет эл эстрадаси артистларининг концерти.
19.30 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
«ОМАД» таништиради:
20.20 «Панорама».
20.50 «Компьютер-Осиё».
21.20 Эълонлар.
21.25 «Даракчи».
21.35 Эълонлар.
21.40 — 23.20 Видео — «О».

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ
5.00—8.00 «Телетонг».
***
17.50 «Бомонд».
18.10 «Аляска КИД». Телесериал. 6-серия — «КИД иши бўйича суд жараёни».
19.00 «Мўъжизалар майдони».
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.45 — 21.35 «Сен-Роман иши». Телесериал. 5-серия.

ШАНБА, 29

ЎзТВ I

6.00—8.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
8.00 Болалар учун фильм. «Сеҳрли саргузашт».
9.10 «Яшил чироқ».
10.10 «Анъана ва замон».
10.40 Баҳор тароналари.
11.10 «Ёдингиздами?». Кинодастур.
11.50 — 13.20 «Маънавият» видеоканали.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Болалар учун. «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
18.45 Спорт хабарномаси.
19.00 «Юзма-юз».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахборот (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Турфа ҳангомалар».
20.30 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахборот.
21.25 Эълонлар.
21.30 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Кумуш Раззоқова куйлайди.
22.30 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
22.40 «Тунги ёғду». Дам олиш кинодастури.

ЎзТВ II

«ОМАД» таништиради:
9.00 «Мультфейерверк».
9.30 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
9.50 «Теле-ателье-шоу».
10.00 «Ҳайвонот дунёсининг сирлари».
10.50 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
11.15 Янгиликлар.
11.20 Видеогид.
11.40 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
12.20 «Кинонигоҳ».
14.00 «Жаҳон янгиликлари («Эй-Би-Си»).
14.20 — 18.30 «СПОРТ ҚИТЪАСИ».
*
«Тошкент» студияси таништиради:
18.30 Болалар учун. «Табассум».
19.10 «Антенна».
19.30 «Акс-садо».
20.00 «Менинг кўчам».
20.15 «Хонадонингиз осойишта бўлсин!».
21.15 «Ҳар соҳадан бир шингил».
21.35 «Пульс». Хабарлар.
21.50 «Гладиаторлар». Спорт-шоу дастури.
22.35 «Кинематограф».
00.15—00.20 Хотима.

ЎзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
10.00 «Ширу шакар».
10.40 «Дидар» (қозоқ тилида).
11.10 «Мюзик-холл».
11.40 — 12.10 «Ишонч».
***
17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.
*
18.40 «Мультқарусель».
18.55 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар».
19.20 «Колумб кашф этган диёр». Сан-Франциско.
20.10 «Учрашув».
20.40 «Биздан обод ва озод Ватан қолсин».
21.20 «Замандас».
22.10 «Си-Эн-Эн» янгиликлари.
22.20—22.40 «Бу ажиб дунё».

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ
17.20 «Брейн-ринг».
18.20 «Шартномасиз таваккал». Бадиий фильм (Россия, 1992 й.).
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.45 «Зодиак белгиси остида». Эпиграммалар кечаси.
21.35—22.30 «Сен-Роман иши». Телесериал. 6-серия.

ЯКШАНБА, 30

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
8.00 «Бири кам дунё». Муқимий номидаги Ўзбек Давлат мусиқий театрининг спектакли. Тоир Юнусов асари, Алишер Расулов мусиқаси. Теле-премьера.
9.30 «Шоҳруҳ» клуби.
10.00 Буюк Ғалабанинг 50 йиллигига. «Ватанимга хизмат қиламан». Кўрсатув ва концерт.
11.00 «Аралаш». Ҳажвий киножурнал.
11.20 «Яйпанлик тадбиркорлар».
11.35 Кинотаҳририят почтасидан.
12.20 — 13.50 Футбол. Ўзбекистон чемпионати.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Ўсмирлар учун. «Еттига етти». Телевизион ўйин.
18.35 «Кино ва болалар».
19.05 «Ойнаи жаҳонда...».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ҳафтанома» (рус тилида).
20.00 Эълонлар.
20.05 Телетасвирчи нигоҳида. «Шаҳарлар ва одамлар».
20.20 Дам олиш концерти.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ҳафтанома».
21.30 Эълонлар.
21.35 «Девона». Бадиий фильм (Ҳиндистон). 1—2-сериялар.
00.15 — 00.45 «Ҳафтанома».

ЎзТВ II

«ОМАД» таништиради:
10.00 «Омад» тақвими.
10.05 «Кўнгил».
10.10 «Жозиба».
10.30 «Бир шингил ҳангома».
10.40 «Муҳаббатга ошно қалблар».
11.00 «Теле-ателье-шоу».
11.10 Видео янгиликлари.
11.35 Янгиликлар.
11.40 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
12.25 «Кинонигоҳ».
14.05 — 14.25 Жаҳон янгиликлари («Эй-Би-Си»).
* * *
17.00 «Совға».
17.30 «4/8». Мусиқий дастур.
17.50 «Панорама».
18.20 Жаҳон географияси.
19.10 Жаҳон янгиликлари («Эй-Би-Си»).
19.30 Эълонлар.
19.35 Видео — «О».
21.15 Эълонлар.
21.20 «Курьер».
21.40 «...яна об-ҳаво ҳақида».
21.50 «Постфактум».
22.00 «Компьютер-Осиё».
22.30 «Авто-клуб».
22.50 Эълонлар.
22.55 «Даракчи».
23.05 Эълонлар.
23.10 — 00.50 Видео — «О».

ЎзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
9.00 Мультфильм.
9.40 «Жонли сайёра».
10.00 «Коллекция».
10.20 «Менинг кўчам».
10.35 «Жек гильмен-шоу».
10.50 «Кино матограф».
12.30 — 14.40 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
* * *
17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.
*
18.40 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар».
19.05 Хорижнинг биринчи элчилари.
19.50 «Мусиқий саёҳат».
20.25 «Дурдаршн» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
21.25 «Ҳамкорлик — тараққиёт нишонаси».
22.00 «Ёшлик» студияси. «Эъзоз».
22.30 «Би-Би-Си» янгиликлари.
22.40 «Бу ажиб дунё».
23.00 — 23.10 «Си-Эн-Эн» янгиликлари.

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ
18.00 «Эҳ, йўллар, фронт йўллари...»
18.10 «Юзма-юз».
18.40 «Кўшиқ-95». «Евровидение» танловининг саралаш тури.
19.20 Луи де Фюнес «Сен-Тропезлик жандарм» бадиий фильмида.
21.00 — 21.45 «Якшанба».

- Бахт ҳақида мусоҳаба
- Ирода ҳеч қачон сўнмайди
- Қадрият баҳоси

ЁШЛИК — АЖИБ БИР ДУНЁ

- Ҳамон кўнглимда ўша муҳаббат
- ...фақат фарзанд эмас
- Инсон кўринишидан тавсифини билиш мумкин

Билмайин босдим тиканни...

БАХТ НЕДУР? БАХТСИЗЛИК НЕ?

МУҲАББАТ — оила остонасига етаклагувчи сирли ва сеҳрли туйғу! Кўнгилдан ҳаловат ва оромни олиб, юракка оташ солгувчи илоҳий қудрат! Сени поклик, бахт-саодат тимсоли билганлар абадий ҳузур ҳаловат оғушида яшайдилар...

МУҲАББАТ — Аллоҳ даргоҳидан қувилган шайтон етагидан юрган макр ва хиёнат оламига етаклагувчи жоду! Сенинг етагингга юрганлар абадул-абад афсус ва надомат болишида қон йиғлаб, ойдай юзларида қаро доғ билан яшайдилар...

БУ ОҚШОМ саодат ва саховат маскани бўлмиш — бир қутлуғ хонадонга келин тушаяпти. Оппоқ ҳарир либос ичра, оппоқ орзуларга чўмилган булоқ сувидек тоза, гулдек нафис, бутун вужудидан жаннат иси таралиб турган қиз — келин либосида. Қонидан қон, жонидан жон бериб, кўзининг қорасида ўстирган қизини ўзга хонадонга олиб келган онаизорнинг кўзларида ёш.

Ёр-ёр айтган онанинг кўзи ёшли ёр-ёр,
Қайнонаси бўлмасин бағри тошли ёр-ёр.
Ойдек қизин ардоқлаб олиб келди ёр-ёр,
Келинчак гул либосда ёниб келди ёр-ёр.
Қувим келди, қанотин қайирманглар ёр-ёр,
Бу узукни кўзидан айриманглар ёр-ёр.
Куёв тўра қайларда, гуллар сочсин ёр-ёр,
Бахтли бўлсин деганлар қўлин очсин ёр-ёр...

Боши сал эгилган, қўлларидаги даста гул уфоридан маст, изларига кексаларнинг дуолари тўкилиб, куёвжўралар қуршовида салобат билан одимлаётган куёв бўлмиш йигитга суқланиб боқиб турганлар талайгина. Ана у қўлидаги гулларини тавозе билан дилдорига тутди. Титраб турган қўллар бир-бирини тутиб, ота-оналарининг кўзларидан тошиб турган ҳаваслари-га, кексаларнинг дуоларига, тўйхонадагиларнинг олқишларига кўмилиб давра тўрига қўйилган бахт курсисига келиб ўтирдилар. Муҳаббатни поклик тимсоли деб ардоқлаган бу суйган бандаларини Аллоҳ ўз иноятига бирла қовуштирди.

***

ЎЗГА БИР ХОНАДОНДА онаизор қон йиғлаяпти... Ота остона хатлаб кўчага чиқолмай қолган. Ахир улар кечагина бахтиёр эдилар. Эшиги зулфини қоқиб, ҳоли-жонига қўймаётган совчиларнинг ҳар бирига ҳар турли жавоб қилишарди:

— Ҳой барака топгурлар, қизимиз ҳали ёш. Бироз сабр қилинглар. Қолаверса, маслаҳатли тўй тарқамас, қариндош-уруғлар билан бир кенгашиб кўрайлик.

Аслида эса совчи қўйганларнинг етти пуштини эринмай суриштиришар, тагли-зотли бадавлат оилага қуда бўлишни орзу қилишарди..

Афсус...

— Менга қара, аҳмоқ хотин!.. Сенга айтган эдим-а, шу қизингни қадам олиши бошқача, деб. Тийиб қўйсанг ўлармидинг?! Энди нима деган одам бўлдим? Эл-юрт кўзига қандоқ қарайман?! Ўтирган ўрнимни сотиб олар эдим. Минг лаънат бундай фарзандга ҳам, бундай оилага ҳам...

— Вой адаси, нега қон сизиб ётган ярамни қайтадан тиласиз?! Бу қизгина ўлгур ўлиб қўя қолса бунчалик куймасдим. Юзимизни қаро қилишини билганимда яратган олдида гуноҳкор бўлса ҳам ўзим-ўлдириб қўя қолардим-ку, бундай фарзандни. Яхшиси сиз мени ўлдиринг! Бундай шармандаликни кўтаргандан кўра ўлиб кета қолайин...

Қўшни хонада ота-она фарёдини тинглаб қон йиғлаётган бахти қаро қиз ҳам Аллоҳга илтижо қилади:

— Мени нима жин урди, худойим?... Раҳминг келсин, бундай яшолмайман, ота-онасини тириклайин ўлдириб қўйган мен бахти қаронинг жонини ол, худойим?! Жисмимда борлигини намоён қилаётган боланинг ҳам юзини абадул-абад қаро қилма! Сендан ўлим сўрайман?! Э, Худо!..

Агар хоҳласа зумда жон олиши мумкин бўлган яратгувчи бундай пайтда ажални ҳам раво кўрмайди. Сабаби «уят ўлимдан ёмон!» Бутун жисму жонингни шармисорлик тиғи тилиб, қаён боқсанг «уят, уят, уят», деган садо қулоғингни қоматга келтирса, ўзингдан ҳам қочгани жой тополмасанг, — бу ўлимдан ёмон албатта.

Минг афсус ва надоматлар бўлсинким, ҳаётда юқоридаги каби қон ютаётган ота-оналар, «ер ёрилса-ю, кириб кетсам» дегувчи адашган қизлар учраб турибди. Қилар ишни қилиб, дину иймонини ютиб, сичқоннинг инини минг тангага ахтариб юрган «йигит»лар (агар уларни йигит дейиш мумкин бўлса) талайгина.

Кимнидир алдайман, деган киши янглишади. «Яхшилик қилдингиз, ёмон қилдингиз, ўзингизга қилдингиз» дейилади Ҳадиси шарифда. Ҳирс ва ўткинчи ҳаваснинг қурбони бўлган ҳаё — синган ойна билан баробар. Ойна синган-дан кейинги афсусдан ҳеч ким наф кўрмагай!

Маҳмуд ТОИРОВ.

Вафо ва ҳаё - икки эгизак фарзанд. Уларнинг ҳар қанча равшанлик билан софлик бўлса, бу икковда шунчалик жипслашиш ва бирикиш юз берур. Ҳар бир кўнгилга вафо маскан қилар экан, ҳаё ҳам жойлашади, ҳар бир ўринда у топилар экан, бу ҳам топилади... Қолгилар — ахли ҳаё, ноқислар — беҳаё...

Алишер НАВОИЙ.

Алқомат Фарҳодни тоғу тош билар, Ширин-чи — садоқат, иффат тимсоли.

Кўнгил бир покиза муҳаббат тилар — У ёшлик осмонин ёрқин ҳилоли.

Йигитлар сўз сўрайди

ЮСУФ БЎЛОЛМАДИМ, ЗУЛАЙҲО!...

ҲАММАСИ талабаликка қабул қилинган кунимиздан бошланди... Бир гуруҳ йигит-қизлар талабаликнинг биринчи кунини нишонлаш мақсадида пойтахтдаги энг гўзал истироҳат боғларидан бирига сайр уюштирдик. Ҳаммамизнинг юзимизда табассум, гўё биздан бахтлироқ, биздан омадлироқ одам йўқдек...

Боғдаги энг салқин, хушҳаво жойда муқаддас ёйдиган бўлдик. Иттифоқо, шаҳло кўзлари одамга маъноли боқадиган, хушбичим, истарали қиз билан ҳамстол бўлиб қолдик. Танишдим. Исми Зулайҳо экан. Энди у билан беш йил бирга ўқишимни ўйлаб, юрагимда аллақандай ажиб ҳиссиёт пайдо бўлди. Бунинг устига суҳбатдошим анчагина сермулоҳаза ва мулойим сўзловчи қизлар тоифасидан экан.

Ҳадемай, дарслар ҳам бошланиб кетди. Кутубхонага ҳам бирга қатнаб, у билан бора-бора қалин дўст бўлиб қолдик.

Кунлар шу алфозда ўтарди. Қизиқ, негадир Зулайҳо бирор кун кўринмай қолса, ўзимни қўярга жой тополмай қолардим. То унинг жилмайиб турувчи беғубор чеҳрасини кўрмагунимча қулоғимга курсдошларимнинг ҳазил-мутойибаси ҳам, домланинг лекцияси ҳам кирмасди. Кейин билсам, муҳаббат дардига мубтало бўлибман: менинг мағрур юришларим ҳам, аъло ўқишга интилишим ҳам, факультетимиздаги обрў-эътиборим ҳам фақат у туфайли, унинг борлиги учун экан. Ниҳоят, мавридини топиб Зулайҳога ниятимни айтдим. У гапларимни эшитди-ю, лоладек қизариб кетди. Лекин индамади...

Вақти келса тортишиб, мен билан бемалол гап талашадиган Зулайҳо ўша кундан бошлаб мени кўрса ўзини олиб қочадиган бўлди. Лекин унинг мени зимдан кузатувчи шаҳло кўзлари «сиз ҳам менга ёқасиз» дегандек меҳр билан қараб қўйишини ички туйғу билан ҳис этиб турардим. Ўртамиздаги муҳаббатнинг ниҳоятда пок ва самимий эканлиги учунми, мен Зулайҳога ортиқча сўз, ортиқча ҳаракат қилишга кўркардим. Лекин...

Ўқишлар яримлаганда уйдагилар тўй ҳаракатига тушиб қолишди. Зулайҳо таклифимни рад этмади. Лекин унинг отаси... совчиларга «қизимни узоққа бермайман» деб рад жавобини берибди. Чунки мен Тошкентда, Зулайҳо эса Қашқадарёда... Уйдагилар ҳам аслида менинг кўнглим учунгина Қашқадарёга бориб келишганди. Кейин «бахтингдан кўр болам, биз сенга ёмон жойни раво кўрмаймиз» деб узоқ қариндошимизнинг қизини унаштириб қўйишди. Уйдан бош олиб чиқиб кетмоқчи бўлдим. Бу ҳам осон эмас экан. Қекса онамнинг кўз ёшлари мени йўлдан қайтарди. Менга энди на ҳаётнинг, на турмушнинг қизиғи қолмагандек эди...

Зулайҳо билан учрашиш, унинг ғамгин кўзларидаги «энди нима бўлади?» деган саволга жавоб қайтариш азоби мени бир неча ҳафтадаёқ адо қилди. Миямда фақат ўй, ўй... Гўё мен Мажнун қиёфасидаги бир телба... Баъзан Зулайҳога қараб, бу қизга худойим шунча ақл, шунча маъсумалик ёнига озгина шаддодликни ҳам қўшиб берса нима қиларди деб ўйлайман. Балки шунда у ҳам «мен шундан бошқасига тегмайман», деб умрида бир марта бўлсаям ота-онасининг юзига тик қараган бўлармиди?! У эса аксинча, «ота-она ризолигисиз бўлган турмуш ҳеч қачон бахт келтирмайди, энди пешонамиздан кўрамиз» деб аста шивирлайди, ёноқларини кўз ёшлари ювади.

Кўп ўтмай тўй ҳам бўлиб ўтди. Қизчалик бўлдик. Турмушимиз оддийгина кеча бошлади. Мени бу оилага боғлаб турган нарса оталик бурчи эканлигини, ширингина қилиқлар чиқара бошлаган жажжи Зулайҳодан энди сираям узилиб кетолмаслигимни яхши тушунардим. Лекин ...ҳаётимда доим нимадир кам, нимадир етишмайди, юрагим Зулайҳони яна бир мартагина кўришни, унинг ажиб суҳбатларини тинглашни тилайди, унга интилаверади.

Йўқ, мен умр йўлдошимдан нолимоқчи эмасман. Унда нима гунох! Ҳамма айб ўзимда. Агар ўшанда ўз муҳаббатим учун курашганимда, Зулайҳонинг ота-онасини рози қилиш учун йўл топганимда балки ҳозиргидек қийналиб ўтирмаган бўлармидим. Мен Мажнундек телба бўлдим, лекин Мажнун бўлолмадим. Мен Отабекдек икки ўт орасида ёндим, лекин Отабек бўлолмадим... Ҳаётда бир марта учрайдиган ҳақиқий муҳаббатимни қўлдан бой бериб, Зулайҳони ҳам бахтсиз қилдим! Энди буёғи фақат армон, армон...

Ҳурматли таҳририят!

Мен газетангизга ушбу мактубни йўллаб, дардимни дастурхон қилмоқчи эмасдим. Лекин баъзи ёшларимизнинг ишқ-муҳаббат масаласида ўзларини тутишлари, оила қуришдек муқаддас тушунчага енгил кўз билан қарашлари мени шундай йўл тутишга мажбур этди. Демоқчиманки, йигитларимиз ўзлари учун энг муносиб қизни танлай билсинлар, севгилари учун охиригача курашсинлар. Ўткинчи ҳою-ҳаваслар инсонга ҳеч қачон асл бахтни ато этолмайди. Менинг ўз тақдиримдан олган хулосам шу бўлди-ки, биз йигитлар гўзалликни яхши кўрамиз, гўзалликка интиламиз, аммо гўзалликни асрай билмаймиз! Бизнинг бахтсизлигимиз ана шунда!...

САДРИДДИН,
ТошДУ талабаси.

Матонат

СЕНИ ДЕБ ЯШАСАМ, МАЙЛИМИ?...

ИНСОННИНГ вужудида кишини ҳамиша яхшиликка ундаб тургувчи, хатто, энг оғир лаҳзаларда ҳам мадад бахш этиб, олдинга етаклагувчи мўъжизавий бир куч бор. Унинг оти-муҳаббат! Унинг оти-ғурур! Унинг оти-умид!..

Ўртачирчиқлик Обиджон Юсупов неча йиллардан буён ана шу улуғ инсоний Туйғуни юрагида асраб-авайлаб келаётган, тақдир синовларига сабр-тоқат билан жавоб қайтараётган чинакам матонатли ёшлардан. У 16 ёшида бахтсизликка учраб, умуртқаси лат ейиши оқибатида юролмайдиган бўлиб қолган. Гарчи ўзининг торгина ҳовлисидан узилиб, ташқарини — табиат гўзаллигини ўз оёқлари билан юриб томоша қилиш имкониятидан маҳрум бўлса-да, гарчи пардай юмшоқ тўшакка михланиб, зилдай оғир ҳаёллар суришга маҳкум бўлса-да, қисматидан нолимайди. Кенг дунёни қалб кўзи билан теранроқ англашга, йигитлик ҳиссиётини, орзу-ўйларини шеър қилиб қоғозга тўкишга интилади. Одамларга яхшилик қилгиси, жилла қурса, яхши сўз айтгиси келади. Чунки...

— Тақдир деганлари ўзи шунақа, — дейди у ўзи ҳақида. — Ҳаёт кимгадир бахт ва омад оламини ҳадя этади, кимларгадир армонли, азобли кунларни раво кўради. Мен ўн олти ёшимдан бери биринчи гуруҳ ногиронман. Бахтсиз тасодиф мени шу кўйга солди. Ўшандан бери ўз устимда шуғулланиб, соғайиб кетиш учун ҳаракат қилиб ётибман. Чунки, ҳаётдан ҳали умидим катта. Гарчи соғлигим туфайли ўқиш, меҳнат қилиш бахтидан маҳрум бўлган эсамда, тушкунликка тушмай, шеърият билан ошно бўлиб, ўзимни овутаман. Шояд, шундай бир кун келса-ю, дарвозамдан кириб келган азиз меҳмонга ўзим пешвоз чиқсам, қари ота-онамнинг кўзларидан севинч ёшларини оқизиб, дўстларим қуршовида вафодор бир дилдорни ҳовлимизга ўзим бошлаб кирсам... Ахир одамда эртанги кунга ишонч бўлмаса, қалбида эзгу ҳис-туйғулар туғён урмаса, дунёда яшаяпман, деб бўладими?!

... Ҳа, Обиджон қачондир бир кун қисматидаги оғир кунлар чекинишига, орзулари ушалишига ишонади. Чунки, унинг юрагида ҳар кимга ҳам насиб этавермайдиган улкан ва енгилмас туйғу — муҳаббат бор! У бу туйғуни ўз шеърий машқларида ҳам самимият билан ифодалашга, кечинмаларини сиз билан бажонидил ўртоқлашишга уринади. Унинг дил дафтарини варақалсангиз бунга ўзингиз ҳам ишонч ҳосил қиласиз.

ЙЎЛИНГНИ КИМ ТЎСАР...

Бегим...
Ҳар куни минг бора мени
сен томон
Олиб кетадилар бир телба
ҳаёл.
Сен унда яшайсан
Лайлишашимон,
Мен бунда яшайман бир
Мажнун мисол.

Бегим...
Биз-ку муҳаббатдан
топгандик паноҳ,
Лекин, кунимиз шу
хатларга қолди.
Сен унда, мен бунда
чекмоқдамиз оҳ,
Хижрон дарди бизни шу
кўйга солди.

Бегим...
Умиду-қувончлар бағишлаб
менга,
Қалбимда ёнгувчи бир
ўтли чўғсан.
Билсанг, сенсиз жуда
қийиндир менга,
Шундай дамларимда
ёнимда йўқсан!

Бегим...
Мен сенга суяниб яшайман
асли,
Узоқда бўлсанг-да, азизим,
мендан
Сен туфайли ўзни сезаман
бахтли,
Бебаҳра қилмагин мени шу
бахтдан!

Бегим...
Умримиз кетмоқда
шитобдай ўтиб,
Иккимизни ўртар
айрилиқ, фироқ.
Мен сени келар, деб
интизор кутиб,
Кўзларим йўлингда
нигорон, муштоқ.

Бегим...
Сен учун яшасам
майлими, дейман,
Аҳдинг эса ҳамон
ўша-ўшадир:
Ёнимга бутунлай келмоқ
истайсан,
Лек, йўлингни ҳар дам ҳаё
тўсадир!..
Бегим...

СЕН БОРСАНКИ...

Севиб сени жондек
ардоқлай,
Етказмай ҳеч дилингга
озор.
Неки қайғу бўлса, мен
олай,
Борки қувонч сенга
бўлсин ёр.

Ногоҳ бошга тушганида
ғам,
Сен туфайли енгиб
ўтолдим.
Мажнун каби бўлолмасам
ҳам,
Лекин, севги юртида
қолдим.

Энди ишққа тўлиқ
қалбни мен,
Бахтли қил, деб тутай
қўлингга.
Гар жилмайиб кириб
келсанг сен,
Вафодан гул сочай
йўлингга.

Нозик қалбим чекмайди
алам,
Чунки сен бор, ғам менга
ётдир.
Ишқинг қўлга тутқазди
қалам,
Муҳаббатинг менга —
ҲАЁТдир!..

Обиджон ЮСУПОВ.

Қиёфада ҳам гап кўп

ЮЗ ШАКЛИ НИМАНИ АНГЛАТАДИ?

ИНСОН юзининг тузилиши турлича — юмалоқ, ориқ, чўзинчоқ бўлади. Юмалоқ юзли кишилар хушфеълликлари билан ажралиб турадилар. Ориқ ва чўзинчоқ юз одатда ниҳоятда синчков ва сермулоҳаза кишиларда бўлади. Лекин юз шакли инсоннинг ўзига хос феъл атворини тўла очиб беролмаслиги мумкин, албатта. Масалан, юмалоқ юзли кишининг кўзлари кичик, чуқур жойлашган бўлса, бу у кишининг эҳтиёткорлиги ва ҳамма нарсага шубҳа билан қарашидан далолат беради.

КЎЗНИНГ АҲАМИЯТИ

Катта-катта, ёрқин кўз ҳалоллик ва тўғрилик аломатидир. Бундай кишилар ғайратли, тиришқоқ ва очиққўнгил бўладилар. Баъзан маҳмадона кишиларда ҳам кўз катта бўлиши мумкин, бироқ улар чуқур жойлашганлиги билан фарқ қилиб туради. Қаваригқ кўзлар эса шахснинг қизиқувчанлигини кўрсатади, айни вақтда бу эҳтиросли характернинг белгиси бўлиши ҳам мумкин.

Тор ривожланган пешона остидаги қаваригқ кўзлар одамнинг ҳали камолотга етмаганлиги аломатидир. Бундай кишилар кўп нарсани билишни истайдилар-у, лекин бунинг учун қобилиятлари етарли бўлмайди.

Кичик кўзлар фикрлаш ҳусусиятига эга бўлган, бироқ бошқаларга унчалик ишонавермайдиган кишиларга тегишлидир. Ваъдани қоплаб бериб, амалий ишга келганда Самарқанддан топ, дейдиган кишиларнинг кўзлари кўпинча юмалоқ шаклда бўлади. Нормал катталикдаги кўзлар босиқ ва тўғриликни англатади.

БУРУН ВА ҚУЛОҚЛАР НИМАДАН СЎЗЛАЙДИ?

Катта бурунли кишилар ҳақида фақат илиқ фикрлар айтиш мумкин. Бундай кишилар зеҳнли бўладилар, ҳар қандай ишни меъёрига етказиб бажара оладилар. Кичик бурун эса, аксинча, кучсизликнинг белгисидир. Қирра бурун ақлли, айни чоғда такаббур кишиларга хосдир. Қийшиқ бурун эса ишчанлик ва савдогарчиликка мойилликни кўрсатади.

Кузатувчан кишиларда қулоқ катта ва тарвақайлаган бўлади. Гўштли қулоқ унинг эгаси дағал ва дангасалигини билдириши мумкин. Ақлли,мусиқада истеъдодли кишиларнинг қулоқлари юпқа, катта ва чиройли бўлади. Кичик, бежирим қулоқлар хушмуомалалик, камтарлик аломатидир, Бундай одамлар яхши ишларга ҳайриҳоҳлик билан муносабатда бўладилар.

СОЧЛАРГА ҚАРАБ...

Истеъдодли кишиларнинг сочи момиқ, юмшоқ ва жингалак бўлади, бирок у қисман енгилтаклик белгиси ҳам бўлиши мумкин. Қуюқ соч бадан соғломлигининг даракчисидир.Қора сочли кишилар серзавқ, қайсар бўладилар, бошқаларга мослашиб кетолмайдилар. Тадбиркор, хушмуомала кишиларнинг сочи қорамтир бўлади, жигарранг сочлар эса иқтидорли кишиларга хосдир. Малла сочли кишилар одатда тажанг, салга қизишиб кетадиган характерда бўладилар. Дағал соч кишининг мағрур ва мустақил характеридан, юмшоқ сочлар эса ишонувчанлик ва тобеъликка мойилликдан далолат беради.

Ҳикматлар

ИНСОНДАН ЁДГОРЛИК

КУНЛАРДАН бир куни Искандар Зулқарнайн ҳарбий бошлиқлари билан кенгаш қуриб ўлтирган эди. Улардан бири Искандарга деди:

Тангри таоло сенга беҳисоб молу мулк ато қилди. Бундан буён сен хотинлар сонини кўпайтир, кўп фарзандлик бўласан. Сендан ёдгор бўлиб қоладиган нарса — фарзанд.

Искандар жавоб қилди:

— Хотин кўпайтирган одам жумлайи жаҳон устидан ғалаба қилган ҳисобланавермайди, балки хотинлар устидан ғолиб ҳисобланади. Инсондан ёдгорлик фақат фарзанд эмас, балки яхши хулқ ва дуруст сийрат ҳамдир.

ЎЗ ҚАДРИНИ БИЛГАН ҚИЗ

ҲОРУН ар-Рашиднинг чўрилари орасида биттасининг ҳусну латофатда тенги йўқ экан. Халифа чўриларга совға-салом улашган пайтларда бошқалар зўр миннатдорчилик билан қабул қилар, у эса мутлақо олмас экан. Бундан халифанинг жаҳли чиқаркан.

Бир куни у бир ҳалта марваридни чўриларнинг олдига тўкди. Ҳамма совғага ўзини ташлади-ю, ҳалиги чўри бурилиб қарамади ҳам. Сўнг халифа ҳазиначидан бир ҳалта ёқут олдириб келиб сочди.

Ҳамма ўз улушини олди, у тағин бепарволигича тураверди.

— Нега бошқалар қатори ўз улушингни олмадинг? — деб сўради ундан Халифа.

— Борди-ю, шу ердан ўзимга ёққан нарсани танласам меники бўладими? — деб сўради чўри қиз.

— Майли, сенинг айтганингча бўлсин.

— Унда, — деди қиз Ҳорун ар-Рашиднинг қўлидан тутиб, — мен сизни танладим.

Ҳорун ар-Рашид уни никоҳига олишга мажбур бўлди.

ХАНДАЛАР

Оилавий жанжал пайтида хотини эрига қичқирди:

— Сенга эрга текканимдан кўра шайтонга текканим минг марта афзал эди.

— Бу мумкин эмас, — деди дарҳол эри. — Яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳ тақиқланган.

* * *

Густав Калленикига меҳмонга келганида, у гармон чалиб ўтирарди.

— Хотининг қаерда? — сўради Густав.

— Шийпонда ўтин ёряпти.

— Калле, сен иссиқ уйда гармон чалиб ўтирсанг-у, хотининг ўтин ёрса, шуям инсофданми?

— Хотиним гармон чалишни билмаса нима қилиш керак, — жавоб берди Калле.

* * *

Қурилиш-таъмирлаш бригадасининг практиканти идора директори уйининг ойнасини бўяш ҳақида топшириқ олди. Орадан бир соат ўтгач бошлиғига кўнгироқ қилиб деди:

— Хўжайин, ойнани бўяб бўлдим. Ромни ҳам бўяйми?

• Одамлар ичида хотин кишига нисбатан ҳақлироғи унинг эридир. Эркак кишига нисбатан ҳақлироғи — бу унинг онасидир.

Ҳадисдан

• Никоҳ ила турмуш қуриб, кўпайинглар. Зеро, мен қиёмат куни бошқа уммат олдида сизларнинг кўплигингиз билан фахрланаман.

Ҳадисдан

• Сизларнинг яхшиларингиз ўз аҳлу аёлига яхши муносабатда бўлганларингиздир. Мен сизлардан кўра ҳам ўз аҳлу аёлимга яхшиман. Хотинларни фақат яхши одамларгина иззат-икром қилур, аҳлу аёлларни фақат ёмон одамларгина хору зор қилур.

Ҳадисдан

• Аёл диёнати ёки молу дунёси, ёхуд жамоли учун никоҳ қилинади. Сен диёнатлисини танлагин, барака топгур!

Муҳаррир:
Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

"Шарқ" нашриёт матбаа-концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти — 20.30. Босишга топширилди — 19.00. 1 2 3 4 5 6